

Муаммоли маъруза

2019 йил 1 март куни ТИҚХММИ 7-марузалар залида, ҚСХЭТ, ГИМ ва ҚХМ факультетлари 4 курс талабалари иштирокида «ARTEL компанияси ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, технологиялари, мутахассисларига талаблар» мавзусида маъруза ўтказилди. Мазкур тадбирда ҚСХЭТ ва ҚХМ факультетлари профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. [Artel](#) компанияси Ўрта Осиёдаги энг катта ва ягона маиший техника ишлаб чиқариш тизимидир. Компания Ўзбекистонда ташкил топган бўлиб, йирик маиший техника ва электрон воситалар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Компания ўз фаолиятини 2011 йилда бошлаб, сифатли, ишончли ва қулай маҳсулотлари билан Ўзбекистонда танилиб улгурди. Бугунги кунда компания маиший техникаларнинг 10 дан ортиқ турини ишлаб чиқармоқда: конденционер, чангютгич, микротўлқинли печ, газ плиталари, электр плиталари ва газу электр билан ишлайдиган қўшма плиталар, ошхона техникалари, кичик электр печлари, телевизорлар, музлаткичлар, телефон ва электр сув иситгичлар. [Artel](#) компаниясининг заводларига дунёнинг етакчи корхоналари ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, компанияда маҳсулотлар сифатини мунтазам равшда текшириб туриш учун лабораториялар ҳам ишлайди.



Заводда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларни сақлаш учун [Artel](#) компанияси ўзининг 50000 квадрат метрга тенг махсус майдонига эга. Бу майдонинг асосий вазифаси маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва компаниянинг 5 база [Artel](#) фирмавий магазинларга бутун Ўзбекистон бўйлаб етказиб беришдир. Бугунги кунда [Artel](#)нинг маиший техникалари Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия(Махачкала), Украина, Озарбайжон ва Грузия давлатларига чиқарилмоқда. Ҳозирда [Artel](#) компаниясининг маҳсулотларини Европага, Россиянинг баъзи шаҳарлари ва Покистонга чиқариш масаласида музокаралар олиб борилмоқда. Компаниянинг довуғи тез суратда бундан ҳам кенгроқ доирада тарқалмоқда.

Авалло таъкидлаб ўтиш лозимки, биз ҳар доим ҳамкорлар танлашга жуда катта эътибор берамиз. Чунки ишончли ҳамкорлар бу бизнинг муайян имиджимиз шакл-ланиши ва узоқ муддатли ҳамда устувор алоқалар кафола-тидир. Биз ўз соҳасида катта муваффақият қозонганлар билан ҳамкорлик қиламиз. Биз ҳамкорлик қилаётган компаниялар маиший техника бозорида камида 20 йиллик тажрибага эга, ўз навбатида устувор ва профессионал даражададир. Бизнинг бундай сифатли ва айни пайтда нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишимизга ишлаб чиқаришдаги чиқимларни ихчамлаштириш сабаб бўлди. Ширкат фаолияти давомида тўплаган иш тажрибаси маҳсулотларнинг баъзи қисмларини маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш имкониятини яратди ва бу ўз ўрнида тайёр маиший техникаларимиз нархи пасайишига хизмат қилди.



Бизнинг хорижий ҳамкорларимизда маҳсулотларимизга кафолат бериш учун барча имкониятлар мавжуд. Маърузада олий маълумотли мутахассисларга ишга кириш учун ва давомида малака ошириш (стажировка) ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган талаблар тўлиқ тушунтирилди. Маъруза давомида қатнашувчилар 1-босқич тест топширишди.